
Тинчлик йўлидаги жасорат ҳеч қачон унутилмайди | Афғон урушида Фурқат туманидан тўрт юзга яқин аскарлар иштирок этишган

Фурқат туманида Чекланган контингент ҳарбий қисмларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилганлигининг 34 йиллиги муносабати билан Афғон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олинмоқда.

Таъкидланишича, Афғон заминида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун Фурқат туманидан тўрт юзга яқин аскарлар иштирок этишган. Айни кунларда улардан 323 нафари ўз оилалари бағрида, тинч ва фаровон юртимизда умргузаронлик қилмоқдалар.

Бугун туман ҳокимлиги ташаббус билан туман "Ветеран жангчи-фахрийлар" кенгаши аъзолари билан биргаликда Афғон урушида қатнашиб жанг майдонида вафот этган 10 нафар аскарларимизнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинди.

Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотираси ёд этилиб, дунёда ҳеч қачон уруш бўлмаслиги, она ватанимиз ва бутун ер юзида ҳамиша тинчлик, фаровонлик ҳукм суришини тилаб, қўшни элда тинчлик учун курашган ўғлонлар ҳамиша эъзозда эканлиги таъкидланди.

2023-02-18 12:07:30